



НАВРЎЗИ ОЛАМ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!



SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 19 март куни давлат ташири билан Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.

Ташир доирасидаги асосий тадбирлар 20 март куни бўлиб ўтади. Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқ-

боллари юзасидан фикр алмашдилар, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Музокара якунлари бўйича икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ташир доирасида пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонларининг бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтади.

(ЎЗА)

Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар!

Бугун она диёримизнинг барча гўшалари, воҳаю водийларида одамларимиз, эл-юртимиз бағрини кенг очиб, «Хуш келибсан, Наврўзи олам!» деб баҳорга пешвоз чиқмоқда, яшариш ва янгиланиш фаслини катта хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Барчангизни мана шу кутлуг кун, Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, сиз, азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Наврўз айёмининг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп минг йиллик тарихимизда қанча-қанча дostonлар, афсона-ю ривоятлар, қўшиқ ва қасидалар битилган бўлмасин, унинг маъно-мазмун, бекиёс гўзаллигини таърифлашга, уни эъзозлаш ва улуғлашга ҳар қандай сўзлар ҳам ожизлик қилади.

Лекин энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиз бўлмиш Наврўзнинг юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсон қалбига, руҳиятига ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётбахш таъсир ўтказишини, айна шу фусункор дамларда унинг кўнглида жўш ураётган ҳис-туйғуларни тасаввур қилиш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аввало, кўклам нафаси уфуриб, майин шабадалар эса бошлашди, табиат уйғониб, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига янги куч, янги ғайрат киргандек, унинг томирига, унинг қон-қонига ҳаёт ва баҳор нафасида югургандек бўлади, юрагимизни, бутун борлигимизни ахшилли ва яратувчиликка ундайди.

Қир-адирлар, боғу роғлар яшил либосга бурқаниб, майса-ғиёҳлар тупроқни ёриб, қуёшга талпинаётган ажиб бир паллада одамзот беҳиттир табиат билан уйғун бўлиб яшашга, сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, бу баҳор неъматларини ўз яқинлари, дўсту биродарлари, қадрдонлари билан баҳам кўришга, хурсандчилик билан сайил-томошалар ўтказишга интилади.

Наврўзи олам келиши билан қадим замонларда ҳар қандай уруш-жанжаллар, низо ва адоватлар барҳам топгани каби, бугунги кунда ҳам одамлар ўртасидаги турли келишмовчилик, гина ва аразларни унуттишга қаратилган ҳаракатлар, ҳонадонлар, барча маҳалла-қўйларда, эл-юртимизда аҳиллик, меҳр-оқибат ва тотувлик муҳити янада кучайиши табиий.

Бетакрор Наврўз кунларида шу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аجدодларимиз, буюк алломалар, азиз-авлиёларимиз, ота-боболаримизнинг, юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин, элимизни фай-

зу барака, ҳосият тарқ этмасин, суви-миз, ҳосилимиз мўл бўлсин, дала ишларини бошлаётган деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, деган тилак ва дуоларининг ижобат бўлиши барчамизнинг юрагимизга малҳам беради.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятларининг узвий бир қисми бўлмиш ёрдам ва кўмакка муҳтож одамларга, бева-бечора ва етим-есирларга, беморларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ўтганларни хотирлаш, табаррук кексаларимизни зиёрат қилиб, дуосини олиш сингари олижаноб туйғу ва интилишлар янада жонланади.

Мана шу хурсандчилик кунларда бағрикенг, очик кўнгли халқимиз бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган узок ва яқин қўшни халқларни, мана шу майдонда ўтирган уларнинг вакилларини чин дилдан табриклаб, ўзининг самимий тилак ва кутловларини йўллайди.

Мухтарам юртдошларим!

Бу йилги Наврўз истиқлолимиз, мустақиллигимизнинг ўн бешинчи Наврўзидир. Бу йилги Наврўз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодийимиз соҳа ва тармоқларида янгиланиш, ўсиш ва юксалиш Наврўзидир.

Бу йилги Наврўз қишлоқда тобора халқилувчи кучга айланиб бораётган деҳқон ва фермерларимиз ҳаётида том маънодаги янги кун, янги меҳнат палласидир.

Ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг мана шундай фидокорона меҳнати, интилиш ва саъй-ҳаракатлари негизда юртимизни янада обод қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, уларнинг ақл-заковати, куч-ғайрат ва салоҳиятини рўйбга чиқариш учун имконият яратиб бериш, аҳоли саломатлигини асраш, кўпмиллатли жамиятимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш каби юксак мақсадлар мужассам.

Юртимизда 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб атаганимиз, шу муносабат билан кенг миқёсда амалга ошираётган режа ва дастурларимиз одамларга беминнат яхшилик қилиш, бегараз ҳомийлик кўрсатиш, инсон даражасида шифо бериш сингари Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналари билан ҳамоханг экани аниққас эътиборлидир.

Азизларим, қадрдонларим! Барчангизни бағримга босиб, Наврўз айёми билан яна бир бор табриқлайман. Юртимизда тинчлик ва оқошталлик доимо барқарор бўлсин!

Ҳонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, мухтарам момоларимизнинг умрлари узок бўлсин, ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАЛИШ ВА МЕҲР-САҲОВАТ АЙЁМИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
БОГИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ КЎТАРИНКИ РЎҲДА ЎТДИ

Қорли-қировли кунлар ортада қолди. Кўнглилар кўклар суруридан яйрамоқда. Офтобнинг нури жилвалари, сарин шаббоданинг майин ва илик эркалашлари, чаппар уриб гуллаган боғларнинг хушбўй нафаси, чаманзорларнинг рангин ва жозиб товланиши юртимизга Наврўз килиб келганидан дарак беради.

Она диёримизда фасллар келинати — баҳор кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Шундай фусункор дамларда қалбларимиз ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз учун шукроналик туйғуларига тўлиб-тошаётди.

Азалдан халқимиз табиат уй-

ғонадиган сафолар кунларни шодлик билан кенг нишонлаган. Сайилга чиққан. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз бу гал ҳам тинч ва оқоштал, халқимиз сикат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл озулар, эзгу тилаклари билан, энг муҳими, очик чеҳра ва бунёдкорлик кайфияти билан Наврўз шодиёналарига қадам қўймоқда.

Наврўз сайли — халқимиз майли. Наврўз сайли — истиқлолимиз зайли ҳамдир. Зеро, шундай замонлар ўтдики, халқимиздан бу муътабар байрамни тортиб олмоқчи, Наврўз билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятларга мос таомилларни миллатимиз

ёрдидан ўчирмоқчи бўлдилар.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Наврўз наинки қайта қарор топди, айна чоғда изчил ривожланди, тақомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиб борди ва эзгулик билан йўғрилган янги қирралари намоён бўлди.

Бу йилги байрам диёримизнинг барча гўшаларида ҳар галдан ҳам фусункор ва кенг миқёсда — халқ сайли тарзида нишонланаётди.

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

2-бет



ШОДЛИКЛАР АЛЁРИ

Наврўз шуқуҳи Самарқанда ўзгача. Шаҳар қишлоқларда, маҳаллаларда халқ сайлига айланиб кетган байрам шодиёналари ёшу қарига бирдек қувонч... Дошқоронларда кўкларнинг тансиқ таомлари...

Вилоят марказидаги Навоий номидаги марказий истироҳат, Сугдиёна ва Темирйўл боғларида, гузарларда, ўқув

юртларида кечаётган шохона лаҳзалар шаҳарликлар ва меҳмонларда катта таассурот қолдиришмоқда.

— Олис туманлардан бири — Қўшработда ўтказилаётган катта кўпқарига юртимизнинг турли гўшаларидан улоқ ўйини ишқибозлари ташир буюришган, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Гавҳар Худойбердиева. — Деҳқон-

лар, ҳунармандлар, зардўзлар Хўжа Аҳрори Вали масжиди мажмуасида ўз маҳсулотларининг байрамона намоишини ташкил этишди. Нурубод туманининг бамисли қирмизи гилам тўшалган қир-адирликларда чорвадорлар Наврўз алёри қўйлашмоқда...

Шухрат ҚАШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ҚАДРИЯТЛАР ТАНТАНАСИ

да ўтмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилот бўлими раиси Дўстмурод Холиқов. — Наврўзи муносиб кутиб олиш мақсадида навоийликлар ўзларининг маҳалла ва кўчаларини ободонлаштиришда фаол қатнашдилар.

Ешлигимизда Наврўзни «Ўтинёрди», «Қизқувди», «Арқон-тортиш», «Белолди», «Тизқўди» каби миллий ўйинлар билан нишонлардик, — дейди 90 ёшли навбаҳорлик Зайниддин бобо

Жумаев. — Мустақиллигимиз туйғулари Наврўз қатори бу анъаналаримиз ҳам яна қайта тикланди. Бугун неварча-чевараларимиз ушбу қадриятларни яна кўрди.

Бугун пир бадавлат отахонларимиз оқошган кунларга шукроналик билдириб, юртимизга Оллоҳ қут-барака ато этишини тилашмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЭКСПЕРТЛАР УЧРАШУВИ

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Ўзбекистондан Қозоғистонга мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб беришни ташкил этиш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг манфаатдор вазирлиги ва идоралари, ҳокимликлари, ишбилармон доиралари вакиллари, экспертлар иштирок этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган аҳлашувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ийгилишда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини айирбошлашдаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистоннинг мева-сабзавотлари, қовун-тарвузи ва бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини Қозоғистон бозорларига етказишни тақомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда йилга 5 миллион тонна ана шундай маҳсулот етиштирилади. Мамлакатимиз эҳтиё-

жини қондириш учун эса унинг ярми қифоя қилади. Демак, 2,5 миллион тонна маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш мумкин. Статистика маълумотларига кўра эса, 2005 йилда мамлакатимиздан атиги 660 минг тонна маҳсулот экспорт қилинган. Унинг ярми Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келади. Қозоғистон Республикасининг улуши эса бор-йўғи 4 фоизни ташкил қилади.

Аслида қўшни давлатда бизнинг бу турдаги маҳсулотларимизни импорт қилишга қизиқиш ва эҳтиёж катта. Лекин икки ўртада айрим маъмурий, техникавий, божхона тартиб-қоидаларига оид баъзи қийинчиликлар сабабли ўзаро савдо имкониятлар даражасидан пастлигича қолмоқда.

Мажлис иштирокчилари божхона тадбирларини биргаликда ўтказиш, юкни сақлаш ва ташиш борасидаги ҳамкорликни тақомиллаштириш билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг вилотлари ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш мавзусини муҳокама қилдилар.

(ЎЗА)

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

МОМО ЕРГА МЕҲР ЁҒАР

Гул ислари гул баргидан тўқилмиш ел қанотида,
Хуш насим хуш наво бериши андиблилар баётига,
Қалдирғочлар қалқиб кетар висол тўшанда ёдида,
Турналар тиловатида келар Наврўз, келар Наврўз,
Ошиқ бўлаб оятдида келар Наврўз, келар Наврўз!

Ялпизларга ёворушиб еллар тортар қулоғидан,
Аё дўстлар шарбат томар боларилар дудоғидан,
Нон исин навоиси келур уган бугдой увоғидан,
Бойчечаклар саботида келар Наврўз, келар Наврўз,
Қумриларнинг қанотида келар Наврўз, келар Наврўз!

Қозоналарнинг қулоғида сумалақнинг садолари,
Кафтларидан томар чак-чак момоларнинг дуолари,
Ўз исига ўзи сармаст баҳор тонгин саболари,
Сумалақнинг шифосида келар Наврўз, келар Наврўз,
Мажнунтоқнинг ибосида келар Наврўз, келар Наврўз!

Момо ерга меҳр ёғар тулпорларнинг тўғидан,
Қуёшнинг қоким қўйган азим тоғлар тароғидан,
Майсаликда ўпса бўлур тиконларнинг тирноғидан,
Қуйсан қўнми нидосида келар Наврўз, келар Наврўз,
Чақмоқларнинг сабосида келар Наврўз, келар Наврўз!

Муҳаббат аҳлини ёраб қўзида ўт ёнар дов-дов,
Бир майсадек уйғонса дил сўзида ўт ёнар дов-дов,
Махмуд отиқ ошиқ келар изида ўт ёнар дов-дов,
Танерининг хуш дуосида келар Наврўз, келар Наврўз,
Вафо аҳли навоисида келар Наврўз, келар Наврўз!

ОВУЛЛАРДА КЎКЛАМ ШУҚУҲИ

Яшариш, янгиланиш ва уйғониш айёми — Наврўзи олам мамлакатимизнинг шимоли — Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўзгача тароват билан бошланди. Байрам олдида барча шаҳар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ ҳашари уюштирилиб, кўча ва хиёбонларда катта ҳажмда ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишлари бажарилди. Маҳаллаларда баҳор таоми — сумалак, кўк сомса, наврўзгўжа пиширилди, қўни-қўшилларга, бемор ва ёлғиз кексаларга тарқатилди.

Байрам муносабати билан бугун ёшу қари кўча-хиёбонларга, маданият ва истироҳат боғларига чиқишган. Санъат усталарининг чиқишлари, театрлаштирилган саҳна кўрсинишлари, дорбоз, от қошиш, кураш, ҳўроз уриштириш,

кўпқари каби миллий удумларимиз барчага манзур бўлмоқда.

— Дарҳақиқат, миллий байрамимиз Наврўзга бу йил катта таъйиғарлик қўрилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Жолдасбай Турдимуратов. — Маданият хизматида, айниқас, Нукусдаги Амфитеатр ҳар қанчонидан-да гавжум. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов сценарийини асосида саҳналлаштирилган «Қутлуг қадмларинг муборак Наврўз» номли байрам томошалари намоиш этилмоқда.

Реймбой ЕШИМБЕВОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАЛИШ ВА МЕҲР-САХОВАТ АЙЁМИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият ва санъат намояндalари, ишлаб чиқариш илғорlари, тадбиркорлар, муҳтарам ота-оналару онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари таширф бўюрганлар.

Соат 15.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Имом Каримов кириб келади. Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан қўлиб оладилар.

Чорлов мусикаси янграйди. Президент Имом Каримов минбарга тақлиф этилади.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Майдон узра майин най наво-си таралади. Карнай-сурнай ва ногоралар садоси Наврўз сайли бошлангандан дарак беради.

Наврўз қадриятлари билан мамлакатимизда жорий йилнинг Ҳомийлари ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши ўртасида узвий боғлиқлик бор, десак асло муболага эмас. Зеро, Наврўз — узаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат тимсоли.

Ота-боболаримиз бундай кунларда етим-есир, бева-бечоралар, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишга шошилган, гина-қудратлар унутилган. Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбидa, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончи тўла тасдиқлайди.

Истиқлол йилларида миллатимиз тийнатишга хос ана шу инжа хислатлар қайтадан қадр топди. Мўътабар қариларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, катталарга ҳурматда ва кичикларга иззатда бўлиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатлари тикланмоқда, ривож топишмоқда. Бу йил мамлакатимиз бўйлаб эзгу ва хайрли юмушларни амалга ошириш кўламли тобора кенг ту олаётди.

Буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган бекёйс маънавий ва маърифий меросимиз—

(Давоми. Боши 1-бетда)



ни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, ана шу бой меросга таяниб фарзандларимизни етук инсонлар этиб вояга етказиш борасидаги хайрли ишларимиз изчил давом этади. Илло, халқимиз катта тўйлар арафасида турибди. Жорий йилда юртимизда Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 670 йиллиги, Мазмун академиясининг 1000 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади.

Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Диёримиз бўйлаб бахшлар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойба, қўшиқлар, халқ термалари, ақшчилар пайрови янграган. Улоқ-қўшқари, пойга, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, мас-харабозлар, кўгирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намоён қилишган.

Ҳа, бугун Ўзбекистон аҳли қанча байрам қилса — шунчалар муносибдир. Истиқлолнинг даст-

лабки йилларидаюқ мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган кенг қамровли ҳаётбахш ишлохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Ўтган давр мобайнида демократик янгилаш ва иқтисодий ишлохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилди.

Иқтисодиётни тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилаш, либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини эркинлаштириш, ҳусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлар ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига ара-лашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли кенгайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бунинг натижаси ўлароқ, ўтган йили бюджет соҳаси шакллантирилган ойллик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоизга оширилди. Ўз навбатида, бу аҳолининг реал даромадларини 22 фоизга кўпайтириш учун асос бўлди.

Фикримизни тасдиқлагандек, дилбар қўшиқлару лобар рақсларда, ёрқин саҳна безаклисида, байрам иштирокчиларининг хушнуд

қийфаларида эришган ютуқларимиздан фойдаланиш ва мамнуният туйғуларини барқ уради. Буюк келажимиз ворислари — навуқрон авлод вакиллариға навбат келади. Майдон жажжи болақайларнинг қилгуши ва шўх-хандон қий-ириқларига тўлади. Шодон қўшиқлар ва чакқон рақслардан кўнглилар яйрайди. Болалар табассумига не етсин. Зеро, бу бахтиёр болалиқдан, мушакил юрт фарзандларининг беғубор ва қўвқон дамларидан дарак.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиги учун ғамхўрлик ҳар томонлама эътиборда турибди. Мактаб таълимини ривожлантириш, хотин-қизларининг маълумоти борасида ҳам салмоқли натижалар қўлга киритилди. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни илох қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуққ тизимини янада эркинлаштириш борасида янги, самарали чоралар қўрилмоқда.

Давлатимиз ташқи сиёсатида Ўзбекистон манфаати устувор аҳамият касб этади. Бу борада миллий манфаатларимиз мос келадиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик, оқиқ мулоқот йўлидан собит бораётибди. Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимиз

миз Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

2005 йилда мамлакатимиз дунёнинг қарийб 150 давлати билан савдо-сотик муносабатларини фол ривожлантирди. Натижада Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳажми 9,6 фоиз ўсди ва 9 миллиард 500 миллион долларни ташкил этди. Ўтган йилдаги асосий савдо ҳамкорларимиз сифатида Россия, Жанубий Корея, Туркия, Қозғистон, Хитой, Эрон, Буюк Британия, Украина, Германия, АҚШ каби давлатларни қайд этиш мумкин.

Айниқса, Россия Федерацияси билан иттифоқчилик муносабатларимиз ҳар томонлама ривожланмоқда. Наврўз кунлари Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизда давлат таширфи билан бўлиши наинки икки дўст ва қардош мамлакат ўртасида, айни чоғда Марказий Осиё минтақасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз...

Хавода ранго-ранг шарлар учади. Ўзбекини, Ўзбекистонни мадҳ этуви, ўзликини улуғлатиш ялларидан сўнг халқ маросимлари ва миллий спорт ўйинлари мисолида халқимизнинг миллий ўзига хос фазилат ва хислатлари тараннум этилади.

Байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда қўллаб янги ишоотлар, корхоналар, ўқув муассасалари қуриб битказилди. Бундай савй-ҳаракатларнинг

мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққуётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар муҳассамдир.

Она Ватанимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини, миллатлараро тотувлигини асраб-авайлашимиз ва янада мустақамлашимиз керак. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик каби бало-қазоларни оstonамизга мулқоқ яқин йўлатмаслик учун ҳушёрлиқни, огоҳлиқни, биргаликда курашишни асло сустайтмаслигимиз даркор.

Кўз ўнгимизда Наврўзнинг асл моҳияти яна бир бор намоён бўлади. Озод диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган турли миллат ва элатлар вакиллари бадий чиқишлари қалбларни фаҳрга тўлдирди.

Саҳна томошалари қизғандан-қизийди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она юртини, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Куй-қўшиқ ва алёрларда жо-нажон Ватан тараннум этилади. Бундай шукўхли дамларда аждодлардан бизга, биздан авлодларга мерос шу Ватанга муҳаббат ва сарқат туйғуси жону танимизга янада теранроқ сингаётгандек. Наврўз шодёнлани-рининг жозибаси, бутун кўрку таровати ҳам аслида шунда!..

Миллий боғ бўйлаб ўтган йўлак теграсида турли қандолат, ноз-неъмат дўконлари, миллий ҳўнармандлар расталари, чорпо-лар ўрнатилган. Дошқозонлар бошида пазандлар сайил аҳлини сумалак, ҳалим каби турфа таомлар билан сийлайдилар.

Байрам томошаларидан сўнг Президент Имом Каримов ҳўнармандлар, савдо вакиллари, пазандлар билан суҳбатлашди.

Баҳорини ҳар бир халқ ўз урф-одатларига хос таразда кутиб олади, — деди мамлакатимиз раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Наврўзда наинки табиат, айни чоғда кишиларнинг ҳис-туйғуларини ҳам уйғонади. Кўнглида орзу-ўйинлар барқ уради. Наврўз юртимизда мана шундай шодён ва хайрли айём сифатида нишонланаётгани ўзлигимиз, ўзига хослигимизнинг яна бир намоийши, аҳли ва иноқ халқ эканлигининг далолатидир. Эртанги кунимизнинг суръати, натижалари бўлунгидан ҳам сермахсул ва хосиятли бўлади.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси.
Абдувоҳид ТўРАЕВ,
Рўзмет ЖУМАНИЁЗОВ,
Дилшод ЮСУПОВ
(ЎЗА) олган суратлар

ЎЗАХДП ҳаёти

«ЁШЛАР ВА СИЁСАТ»

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройининг кичик залида «Ёшлар ва сиёсат» мавзuida давра суҳбати ўтказилди

— Мен ёш сиёсатшуносман, — дейди университетнинг ижтимоий-сиёсий фанлар факультети магистри Самариддин Аъламов. — Айни пайтда фаннинг назарий қисмини чуқур ўрганмоқдамиз. Бирок, кучли сиёсатчи бўлиб етишиш учун шунинг ўзи кифоя эмас. Назария билан амалиётни қиёсий ўрганиш, таққослаш ниҳоятда муҳим. Учрашувни эшитибқоқ курсдошларим билан бир ерга шошилдик...

Кутилганидек, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати жонли ва қизиқарли бошланди. Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шоймқулов ЎЗАХДП олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишлари, асосий мақсад ва вазифалари ҳақида қисқача тўхтади. Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов эса Парламент қўйи палатасининг фаолияти, ундаги ХДП фракциясининг олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлаб берди. Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Дилбар Маҳмудова ҳам шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг фаолияти, қўраётган масалалари ҳақида фикр юритди.

Давра суҳбатида иштирок этган талабаларнинг аксарияти бўлу-си сиёсатшунос, социолог, психологлардир. Шунинг учун савол-жавоблар роса авж олди. Талабаларнинг саволларига Қонунчилик палатаси депутати батафсил жавоб берди.

Савол: — Барча сиёсий партияларнинг дастурлари бир хил, деган фикрлар кўп учрапти. Лекин, назарий жиҳатдан бундай бўлиши мумкин эмас...

Жавоб: — Бу нотўғри фикр. Чунки, Ўзбекистон ХДП бугунги кунда кўтарайтган масалаларни бошқа бирор бир сиёсий партия кўтарайтгани йўқ. Биз мамлакат сиёсий қўчларининг сўй қаноти сифатида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қиламиз. Бошқа сиёсий партиялар дастурларидан эса хабарингиз бўлса керак...

Савол: — Бюджет асосида ўқийдиган талабалар йўлланма асосида ишга жўнатилади. Биз бунда ўзимиз хоҳлаган жойда ишлаш олмаймиз-ку.

Жавоб: — Бугун кўпчилик ёшлар пойтахтда ўқиб, шу ерда қолиб ишлашни хоҳлайди. Аммо, мамлакатимиз факатгина шаҳарлардан иборат эмас-ку. Чекка-чекка ҳудудлар, қишлоқларда ҳам комму-кация, инфратузилмани ривожлантириш керак. Бу ишларни ким қилади? Сиз замонавий ёшлар узок-узок қишлоқларга кириб бориб, тараққиётга хизмат қилишингиз керак.

Ёшлар жуда кўп масалалар билан қизиқдилар. Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗАХДП фракцияси аъзолари билан учрашув ташкил этиб, у ерда ҳам савол-жавоб асосида суҳбат қуришга келишиб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

МАКТАБЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

ФАРФОНА (ЎЗА мухбири М.СУЛАЙМОНОВ). Ўлкамиз бўйлаб Наврўз шодёнлари кезаётган шу кунларда қурувчиларииз амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишлари кишини қўнғирлади. Айниқса, «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га қўра бир қанча мактабларда қурилиш, таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилаётди.

Тошлоқ туманида ҳам мазкур йилда учта мактаб капитал реконструкция қилинади, бешта мактабда эса капитал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилади. Хусусан, Меҳнатобод қишлоғидаги 23-умумтаълим мактаби биноси анча эскириб қолган эди. Дастур асосида бу мактабда капитал реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. 7-механизациялашган кўча колонна қурувчилари мактаб қурилишини сифатли бажаряпти. Бу ерда 80 ўқувчи ўрнига эга бўлган қўшимча бино, спорт зали қад кўтарилмоқда. Бу ишлар учун 347 миллион 500 минг сўм сарфланиши кўзда тутилган.

— Тез орада мактаб қўрқам ва муҳташом қошонага айланади, — дейди кўча калона раҳбари Авазбек Ганиев. — Шу мақсадда 100 нафардан ортиқ қурувчиларимиз астойдил иш-ламоқда. Шунингдек, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ўтган йили Навобхор қишлоғидаги 44-мактабда капитал реконструкция ишларини бажарган эдик. Бугун унга барчанинг ҳаваси келмоқда.

Наврўз нафаси



Наврўз нафаси

«Шоҳдай қаттиқ» дейишган. Тўшдан кейин ҳаво бироз ил-ши билан сумалаклар эриб, кигиздай юмшаб қолади. Уй-ларнинг томлари лойсувоқ қилинган учун қор суви лой билан аралашиб сумалаклар сарғиш тул олган. Шу боис ҳисобдонлар хут ҳақида сўз кетганда «сариксумалак кирди» ёки «сариксумалак чиқди» деган ибораларни ишлатишган. Одамлар сариксумалак ўтгандан кейин киш бўйи ухлаб ётган кўк қарга уй-ғонади, деб нақл қилдилар.

Кўш ҳайдаладиган кунни деҳқонлар ўзаро маслаҳат-лашиб, энг яхши хўкизлар-дан бир жуфтини далага чи-қаришга тайёрлашган. Ўша кунни эрталаб хўкизларга ивтилган сомон устига оз-гина ун сепиб едиришган. Момолар бугдой ёрмасидан «кўш оши» пиширишган. Одатда уни пиширишдан ав-вал уйма-уй юриб, масал-лик учун ун, дон-дун йиғи-шган. Хар бир оила келает-ган йил ҳосил мўл, рўзгор бут, бола-чакаси соғ-омон

Асрлар давомида бутун оламга ажиб баҳорий кайфият бахш этиб, қалби яратувчилик ва бунёдкор-лик ҳисси билан тўлиб-тош-ган хар бир кишининг кўнгил чаманзорини яш-на-тиб келган Наврўзи олам айни пайтда янги меҳнат мавсумининг ҳам бошлани-ши саналган. Шунинг учун ҳам жаҳондаги энг қадимги деҳқончилик маданиятларидан бирини бунёд этган эзгу ва меҳнатсевар халқ-имиз қарийб тўрт минг йил давомида Наврўз байрами-ни серхосиллик, қут-бара-ка, меҳр-мурувват, ҳамжи-ҳатлик тантанаси сифатида нишонлаб келмоқда. Хар бир тейи-ю, хар бир май-сасида қўқлам табассуми жилонаниб турган муқаддас юртимиз деҳқонлари Наврўз яқинлашиши билан йиллик меҳнат мавсумига тайёрлар-ликини қизитиб юборганлар.

Илгарилари халқимиз кўш чиқариш вақтини табиатда-ги уйғониш, юлдузларнинг ҳолати ва қўшларнинг ўлка-мизга қайтиб келишига қараб аниқлаганлар. Тажри-бали деҳқонлар хут ойининг бошида томдан қорлар эриб, бўғотлардан оқа бош-лашини эътибор бериб ку-затишган. Ҳатто бу давр ҳақида халқ орасида «Тўш-гача мулук, тушдан кейин кигиз» деган нақл ҳам бор. Чўнки, томдан оқаётган қор суви кечга томон музлаб, су-малакка айланади. Шунинг учун «тушгача мулук», яъни

БОБОДЕҲҚОН НАЗАР ҚИЛГАН КҮН

ЁКИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ДАЛАГА ҚЎШ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДИМИЙ УДУМЛАРИ ҲАҚИДА

Анъанага кўра, далага қўш чиқариладиган кунни қишлоқ оқсоқоллари беғилаб бе-ришган. Ўрта Осиёда яшов-чи халқлар ўзалари яшаб тур-ган ҳудуднинг табиий иқлим шароитларидан келиб чиқиб, экиш мавсумига оид турли-туман анъаналарни кашф эт-ганлар. Хусусан, умр бўйи қўш ҳайдаб, омон билан сурилган ерга барака уруги қадашни яхши кўрган бухоролик кекса қўшчи Хайрулла бобо Мулла Файзулла ўғлининг айтишича, Наврўз ёки йилбоши байра-мидан кейинги илк чоршанба кунни далага биринчи марта қўш солиш хайрли бўлар экан. Чўнки чоршанба чош, яъни мўл-кўл дон уюми тимсоли деб тасаввур қилинган.

бўлишини ният қилиб, «қўш оши»га имкон қадар ўз ҳис-сасини қўйишга ҳаракат қилган. Самарқанд вилояти-нинг Булунғур туманида ташкил этилган «Чавқи» фольклор-этнографик даст-аси иштирокчиси, халқ озғаси ижоди жонқураи Мөнглибой Раҳимовнинг савй-ҳаракати туфайли «қўш оши» маросимининг бир қанча шеърый матни тиклан-ди:

**Деҳқон дала айланди,
Хўкиз шохи мойланди,
Омон, мола, чўнка тиш,
Бобо деҳқон шайланди.
Арпа, бугдой сеписин,
Майса униб етилсин,
Деҳқон иши ўнг келсин,
Омборга дон тўлсин.**

**Бугун байрам — йилбоши,
Йилбошига қўш оши,
Хар рўзгорнинг ҳиммати,
Паловми, ё сўх оши.**

**Момо куйинг ўжани,
Товоқни тут ичгани!
Деҳқонбобо, бўш келманг,
Кузда санар жўқани.**

Далага илк бор қўш олиб чиқилаётганда, катта-катта дошқозонларда «қўш оши» пишираётган момолар: «Илоҳим оқликча буюрсин, тўқликча чиқайлик! Сенинг шарофатинг билан тоғора-тоғора ун элайлик!», — деб хўкизларнинг шохи ораси-га бир чимдидан ун се-пишган. Тажрибали деҳқон Саъдулла Мирсафаровнинг айтишича, далага қўш чи-

қараётган кекса мириш-корлар: «Бу йил ҳосили-мизга барака берсин, мўл-кўпчилик бўлсин, оёғинг теккан жойга Бободехқон назар қилсин, хайру бара-касини берсин!» деб яхши ният билан хўкизларнинг оёқларига ун суртиб қўйи-шар экан.

Биринчи қўш чиққан кунни ҳамма хонадонларда бўғир-соқ пишириб, «ис» чиқари-ларкан. Ана шу пишириқи қўпчилик эса, йил баракали келади дейдилар. Бўғирсоқ пиширилган мой билан хўкизларнинг шохи, бўйни ва омонинг тиги мойланади. Шундан кейин оқсоқоллар-дан бири эл-юртга омонлик, тинчлик-хотиржамлик ва

мўл ҳосил тилаб, дуо ўқий-ди.

Қоракўл туманининг Тан-гачар қишлоғида яшовчи Остонақул Ҳўраевнинг ай-тишига қараганда, хутнинг охириг чоршанба (ҳаво агар серёғин келса, йил боши) кунни деҳқонлар бўғирсоқ еб, ўрик шарбатидан ичишган ва яхши ният билан:

**Илоҳи омин,
Еримиз зўр бўлсин,
Эканимиз зар бўлсин,
Бугдойимиз чош бўлсин,
Еганимиз ош бўлсин,**

Қадимда ерга илк бор уруг сеписи жараёни ўзига хос рамзий маросим сифатида ўтказилган бўлиб, унда кекса зироаткорлардан бири Бобо-деҳқон қиёфасига кириб қўш ҳайдашни бошлаб берган. Бу анъана халқимиз орасида ХХ асрга қадар яшаб келганли-гини таникли этнограф олим К.Шониевнинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: «Қорлуқлар эрта баҳорда да-лага биринчи марта омон со-лишдан аввал «ис» чиқариш-ган. Улар қозона мой солиб

халқимиз орасида далага илк бор қўш солиш ва ерга уруг сеписи билан алоқадор қатор маросимлар юзга келган. Халқимиз орасида «Шоҳ мойлар» ёки «Бирин-чи қўш» номи билан юри-тилган бу маросимнинг та-рихий илдизлири жуда олис замонларга бориб тақалади. Зеро, Ўрта Осиё халқлари қадим замонлардан буён эчки, қўқор, архар, олқор ва бошқа хониндорлар шо-хига алоҳида афсулни қўн-га эга бўлган нарсаси деб қара-ганлар.

Тешиктош горидан то-пилган неандертал бо-ланинг жасади боши узра тоғ тақаларининг шохини ярим ой шаклида териб қўйиш ор-қали ҳам марҳум жонивор қиёфасида намоён бўлади, деб тасаввур қилинган. Му-қаддас жойларда, шунинг-дек, айрим хонадонларда қўқор ва олқорларнинг шо-хларини осиб қўйиш анъана-си ҳам қадимда мавжуд бўлган «шоҳ қўлти» билан алоқадор халқ қарашла-рининг бизгача етиб келган кўриниши ҳисобланади. Эрта баҳорда далага бирин-чи қўш солаётганда хўки-злар шоҳини «ис ёғи» билан мойлаш удумида ҳам жони-вор шоҳининг илоҳий қуд-рат касб этиши, серхосил-лик гоёси билан боғлигани каби ишончлар ўз ифодаси-ни топади.

**Маматкул ЖўРАЕВ,
филология фанлари
доктори, профессор**

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази, Тошкент вилояти ҳокимлиги ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ходимларини ҳамда таълим тизимидаги барча жамоаларни яшариш ва янгилиниш фасли


НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан чин қалбдан табриклайди.

Фасллар келинчаги Наврўз юртимизга қут-барака, тинчлик, хонадонларимизга соғлиқ-омонлик, бахт олиб келсин!

Амалга оширилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлаётган шаҳар ҳокимлиги жамоасига ҳамда барча ҳамшаҳарларимизга Наврўз табригини йўллаб қоламиз.

Наврўз – Ватан каби юрагимда қол.
Наврўз – қуёш бўлиб қалбимизда ён.
Наврўз – боқий бир сўз, бебаҳо калом,
Наврўз – ўзбек учун муқаддас бир шон!



✓ ЧЕРНОГОРИЯ

Черногория парламенти кўпчилик овоз билан Сербия ва Черногория ҳамжамияти мустақиллиги тўғрисида референдум ўтказиш бўйича республика комиссияси таркибини тасдиқлади. Комиссия раҳбарлигига Европа Иттифоқининг вакили, словакиялик дипломат Франтишек Липка сайланди.

Шунингдек, депутатлар референдум ўтказиш бўйича вилоятлар комиссиялари, референдумни молиялаштириш кўмитаси аъзолари ҳамда референдум жараёни тарғиботи билан шуғullanувчи гуруҳни ҳам сайладилар.

«Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, референдум шу йил 21 майда ўтказилади. Черногория фуқаролари «Черногория мустақил бўлишини, халқаро ҳуқуқий субъектга айланишини хоҳлайсизми?» деган саволларга жавоб беришлари лозим. Референдумда 460 минг сайловчи иштирок этади.

Черногория собиқ Югославия Социалистик Федератив Республикасининг олти алоҳида ҳудудга бўлиниб кетган республикаларидан биридир. 2002 йилдан эътиборан Сербия ва Черногория давлат ҳамжамияти таркибиди.

✓ ИРОҚ

АҚШ ҳарбий кўмондонлиги шу йил ёз охирида Ироқ ҳудудининг 75 фоиздан ортиқ қисмини маҳаллий мудофаа кучлари назоратига ўтказишни мўлжаллаб турибди. Бу ҳақда Ироқдаги кўпмиллатли ҳарбий кучлар кўмондони Питер Чиарелли баёнот берди.

✓ ФРАНЦИЯ

Мамлакатда яқинда қабул қилинган янги меҳнат қонунига норозилик билдириб, талабаларнинг намоийшлари 7 мартдан буён давом этмоқда, дея хабар беради АРР ахборот маҳкамаси.

Касаба уюшмалар, талабалар ва муҳолифатнинг чап қанот вакиллари қақриғидан сўнг эса норозилик намоийшлари шанба кўни янада кенг миқёс касб этди. Франциянинг

160 та шаҳрида миллионга яқин намоийшчилар кўчаларга чиқиди.

Жиноятчи гуруҳлар пайтдан фойдаланиб, намоийшчилар орасида тартибсизликларни бошлаб юрмасликлар учун минглаб полициячилар жангавар шай ҳолга келтирилди.

Франция бош вазири бахс-мунозарига ва норозиликларга сабаб бўлган янги қонунни касаба уюшмалари билан бир-галикда муҳокама этишга тайёрлигини билдирди, лекин бу қонундан воз кечилмаслигини

айтди. Ўз ўрнида касаба уюшмалари ва талабалар ҳам фикр билдириб, агар ҳукумат бу қонунни бекор қилмаса, норозилар сони бундан ҳам ортиши, умуммиллий иш ташлашга айланиб кетиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришди.

Эслатиб ўтамиз: янги қабул қилинган меҳнат қонунига кўра, иш берувчи 26 ёшгача бўлган ишчини ҳеч қандай тушунтиришларсиз ишдан бўшатилиши мумкин. Қонуннинг айнан шу пункти талабаларни жунбўшга келтирди.

✓ АҚШ

Ўтган йил охирида АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг аъзоси Жон Мика илтимосига кўра, мамлакат аэропортларида хавфсизлик масалалари қай даражада ҳал этилаётганлигини текшириш учун махсус гуруҳ тузилиб, амалий ишларга киришган эди. Унинг натижалари таажубланарли бўлди: гуруҳ аъзоси бўлган ҳукумат агентлари ёнида бомба тайёрлаш учун зарур моддаларни 21 та аэропортда олиб ўтиб кетишга муваффақ бўлдилар. Бу аэропортларда текширувлар қўйирилган тартибда олиб борилади, яъни йўловчилар туфлилари, қайишлари ечиб текширилади, лекин барибир текширув гуруҳи аъзоларида портловчи моддалар борлигини илғай олмаганлар.

Шундан сўнг, Конгресс Вакиллар палатасининг Миллий хавфсизлик масалалари бўйича кўмита аъзоси Эдвард Марки президент Буш маъмурияти мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун қўллаётган усул муваффақиятсиз эканлигини алоҳида таъкидлади.

АРР ахборот агентлиги хабарига кўра, аэропортлардаги текширувлар ҳақидаги маълумотлар махфий сақланарди. Лекин қандайдир йўллар билан АҚШнинг айрим оммавий ахборот воситалари вакиллари қўлига тушиб қолган ва газеталар саҳифаларига чиқиб кетган.

✓ РОССИЯ

2005 йил россиялик миллиардерлар учун муваффақиятли келди. Негаки, бу мамлакат ўз миллиардерлари сони жиҳатидан дунё бўйича иккинчи ўринга чиқиб олди. Биринчи ўринда эса АҚШ турибди.

Маълумки, «Форбс» журнали 20 йилдан бери дунё бойбаччалари рўйхатини эълон қилиб келади. Унда чоп этилган 2005 йилги кўрсаткичлар бўйича, ўтган йили миллиардерлар сони 102 нафарга кўпайган ва уларнинг умумий сони 793 нафарга етган. Умумий сармояси эса 2,6 триллион долларни ташкил этди.

«Новые известия» тарқатган хабарга кўра, рўйхатдан жой олган 33 нафар миллиардер россияликлардир. (2004 йилда уларнинг сони 24 нафар эди.) Россияликларнинг сармояси бир йилда (2004 йил охиридан 2005 йил охиригача) 91 миллиард доллардан 172 миллиард долларга ўсган.

12 йилдирки, «Microsoft» компанияси асосчиси Билл Гейтс бойбачалар рўйхатига биринчиликти қўлдан бермай келаётди. Унинг молу давлати 50 миллиард долларга тенг. 50 ёшли бу бойбачанинг умумий сармояси бир йилда 3,5 миллиард долларга кўпайган.

Россияликлар орасида эса биринчиликти Чукотка губернатори, Англиянинг «Челси» футбол клуби соҳиби Роман Абрамович қўлга киритган. (Умумий рўйхатда у 11-ўринда.) У бугунги кунда 18,2 миллиард долларлик сармояга эгалик қилмоқда. 2004 йилда бу кўрсаткич 13,3 миллиард долларга тенг бўлиб, 21-ўринда эди.

✓ ИТАЛИЯ

Мамлакат вақтли матбуоти ва ахборот агентликлари журналистлари умумий иш ташлаш эълон қилдилар. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этилган хабарларда ёзилишича, Италия Миллий матбуот федерацияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу иш ташлашда журналистлар ОАВ раҳбарлари билан тузилган меҳнат шартномалари муддатга узайтирилишини, шартномага журналист мустақиллиги тўғрисида алоҳида пункт киритилишини талаб қилмоқдалар. Шундай пункт киритилса, журналистлар факт ва манбалар йиғишда мустақил ҳаракат қилиш имконига эга бўладилар.

Италия давлат телевидениесининг биринчи каналдаги «ТГ» янгиликлар дастури тахририяти аъзоси Россел Алментининг «Новости» ахборот агентлигига берган интервьюсида айтилишича, айни пайтда журналистлар материаллар тайёрлашда мустақил эмас. Уларнинг фаолияти бошқиларга ёқмай қолса, хоҳлаган пайтда ишдан бўшатилиши мумкин.

25 март кўни эса телевидение ходимларининг иш ташлаши ўтказилади.

✓ ИСРОИЛ

Мамлакатнинг чет эллардаги ваколатхоналарида парламент сайловлари муддатидан аввал бошланиб кетди. 4,5 минг сайловчи 92 та ваколатхонада ташкил этилган сайлов участкаларида овоз берадилар.

ИТАР-ТАСНинг маълум қилишича, Исроилда 28 март кўни парламент сайловлари бўлиб ўтади.



«БУХОРО ҚОРАКЎЛИ»

бирлашмаси жамоаси

она заминимиз узра офтоб чарақлаб,
беғубор Наврўз нафаси уфуриб турган мана
шу қутлуғ ва мунаввар кунларда қадрли
юртдошларимизни, шу жумладан,
мамлакатимизнинг барча қоракўлчиларини
бу улуг айём билан самимий табриклайди.
Соҳа тараққиёти йўлидаги заҳматли
фаолиятларида омадлар тилайди!



ФИФА ИРҚЧИЛИККА ҚАРШИ

Интер-спорт

Халқаро футбол уюшмаси стадионларда ирқчиликка қарши кураш бўйича фармон қабул қилди. Энди жамоалар ўз майдонларида ирқий камситишларга йўл қўядиган бўлсалар, оддий жарима билан қутулмайдилар. Балки очколар бекор қилиниши, ҳатто учрашув тўхтатиб қўйилиши ҳам мумкин. Мазкур тadbирга бағишланган ФИФА ихроқўми мажлисида «Ювентус» клуби ҳамда Франция терма жамоасининг ҳимоячиси Лилян Тюрам чиқиш қилди. Қоратанли




бу ўйинчи футболдаги ирқчиликни вабо деб атади. Бундан буён миллий футбол федерациялари ирқчилик меъёрлари бўйича янги халқаро тартиботларни жорий қилишларига тўғри келади. Бундай қонун-қоидага риоя қилмаслик, футболчиларни миллий жамоадан икки йилга четлатишга ҳам сабаб бўлади.

— Мен ҳамиша ирқий камситишларга қарши бўлганман, — дейди ФИФА президенти Зепп Блаттер. — Лекин, кейинги пайтлардаги воқеалар ана шундай жиддий чора кўришни тақозо этди.

Алишер РАХИМОВ:

● Спорт

«ХАР КИМНИНГ ЎЗ ВАТАНИ БОР»



МАЪЛУМОТ УЧУН: Алишер Рахимов 1975 йил 23 октябрда Урганч шаҳрида туғилган. Спорт билан 10 ёшдан бошлаб шуғулланади. Мураббийлари Марат Курбонов, Михаил Романчук. Бокс бўйича халқаро тайфадаги спорт устаси. Вазни — 58 кг. Бўйи — 166 см. Бир неча бор ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони.

Осиё чемпионати совриндори (Малайзия 1997 й., 2-ўрин) Осиё чемпиони (Тошкент. 1999 й.)

Сидней олимпиадаси иштирокчиси (Австралия 2000 й.), бир неча жаҳон чемпионатлари қатнашчиси, кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби.

2004 йилдан бошлаб Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги «Водолей» профессионал бокс клубида шуғулланоқда. Яқинда Тошкентга ташириб буюрганлигидан фойдаланиб, у билан суҳбатлашдик.

— Алишер, «Водолей» клуби-

га сизни ким таклиф қилди?

— Бизнинг Чирчиқ Олимпия захиралари спорт коллежида анча аввал Степан Белов деган мураббий ишлаган, у 1996 йил Россияга кетганди. Шу инсон 2004 йил Афина олимпиадаси арафасида Ўзбекистонга келганида, «Мабодо, ёзи Олимпия ўйинларида қатнаша олмасанг, профессионал боксга ўтасанми?» дея сўраганди. Мен рози бўлгандим.

— Хар қалай Екатеринбург борган захотингиз сизни клубга қабул қилишмагандир?

— Албатта. Бир ой тайёргарлик кўргангидан сўнг, промоутер Герман Титов синов жанги ташкил этаганини айтди. Мен россиялик етакчи боксчилардан бири Андрей Нополскийга қарши 6 раундли учрашув ўтказдим ва учинчи раундаёқ уни нокаутга уратдим. Буни кўрган промоутер навбатдаги жангда ҳам ғалаба қозонсам, шартнома ту-

зишини маълум қилди. Мен 2004 йилнинг 23 сентябрида Айдош Занбуришга қарши профессионал боксдаги ilk расмий учрашувимни ўтказдим. Унда биринчи раундаёқ рақибимни нокаутга уратиб, клуб билан уч йилга шартнома имзоладим. Лекин бошқа янада яхшироқ бирор хорижий профессионал клубдан таклиф тушса, хоҳласам кетишим мумкин. Чунки шартномамда шундай банд бор.

— Билишимизча, сиз бўлажак жангингиздан кейин Америка Қўшма Штатларининг Майами шаҳрида машғул ўтказар экансиз...

— Ўтган йили бизнинг клубда АҚШлик мураббий Нелсон Гомес машғул олиб борганди. Унга қайсидир жиҳатларим маъқул келган, шекилли, таклиф этди. Шунингдек, бу йил Германияда кўпаларо чемпионлик камари учун рингга чиқаман. Шу бокс ҳам промоутерларим билан келишган ҳолда услубимдаги айрим камчилик-

ларни бартараф этиш учун океанортида уч ой ўқув-йиғин машғулотларида қатнашишни режалаштирдик.

— Кўпаларо чемпионлик камари учун ким билан жанг олиб борасиз?

— Польшалик боксчи билан куч синашаман. У 33 ёшда, бўйи 186 сантиметр. Профессинал боксда 18 та жанг ўтказиб, ҳаммасида ғалаба қозонган.

— Эшитишимизча, Россияда сизни мухлислар «АЛИ» номи билан кўплавкуватлашар экан...

— Герман Титов 6 ёки 7 та жангидан сўнг хар бир профессионал боксчининг ҳаракатларига мос тарзда бирор ном билан аташларини айтиб, менга ҳам турли таклифларини билдирди. Кимдир «Автомат», бошқа бири «Кросавчик», яна кимдир «Мачо», деди. Мен рози бўлмадим. Аммо, орадан кўп ўтмай навбатдаги жанг пайтида, мухлисларимдан бири бутун зални кўтариб, «Ха, бўш келма АЛИ, бўш келма» дея ҳайқира бошлади ва бошқалар ҳам унга қўшилди. Шу-шу рингда Ўзбекистонлик АЛИ номи билан аташмоқда.

— Нима деб ўйлайсиз, сизнинг фаолиятингиздан ҳозирда мураббий ва промоутерларнингизнинг кўнгли тўлаптими?

— Менимча, улар фаолиятимдан қониқсимоқда. Бокс, энг охириги ўнчинчи рейтинг жангини клубдошим Вячеслав Гусевга қарши ўтказиб, оқшолар ҳисоби бўйича ғалаба қозондим.

— Нега энди айнан ўз жамоадошингиз билан куч синашингиз?

— Сабаби, иккимиз ҳам бир вазнда эдик. Қолаверса, у ҳам бирор марта мағлубиятга учрамаганди. Шу тўғрисида промоутеримиз синов жанги ўтказиб, ким ғалаба қозонса, ўшани клубда олиб қолишини айтганди. Хайриятки, энг оғир курашда менинг кўлим баланд келди.

— Алишер, эҳтимол Россия ёки бошқа мамлакатда бутунлай яшаш қилишга таклиф этишса рози бўласизми?

— Йўқ, Инсон хорижда барибир бегонасирайди. Хар бир одамнинг ўз Ватани бор. Уни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Менинг она Ватаним бу — ЎЗБЕКИСТОН.

Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ суҳбатлашди

● Баҳор илҳомлари

ВАТАН

Ватан — улуг кўшиқ, овозлар етмас,
Ҳофиз бўлмаганнинг дилида армон.
Уни мадҳ айламоқ ҳаваси кетмас,
Токи вужуд ичра талпинади жон.
Ватан — буюк тоғдир, чўққили, қорли,
Қоядан бокмоқлик сурури ўзга,
Унга муносиблик ҳисси виқорли,
Бу туйғу сизмағай таърифу сўзга.
Ватан — буюк чинор, бош узра паноҳ,
Унинг бўй-бастига етиб бўлмайди.
Ватан — юракларга буюк саждагоҳ,
Уни тавоф этмай ўтиб бўлмайди.
Агар гиёҳ бўлсам, зилол булоқ у,
Гул эрсам чаманим, мангу баҳорим.
Ватандан кетмасман бир лаҳза йироқ,
Ватан — кўксимдаги номуслим, орим...

КЎХНА ДУНЁ

Ҳеч кимни дунёга боғлаб қўймаган,
Сезмайсиз, сочга оқ тушар бир пасда.
Ҳидлаб-ҳидлаб ифориға тўймаган,
Аслида бу умр — гулдир бир даста.
Парилар юзида гуллар ажинлар,
Ҳатто пахлавонлар кучидан қолар.
Умр шамолларда қушдай учади,
Дунё кўнглиларга айрилиқ солар.
Дунё сирлари кўп, барин билмаймиз,
Турмуш ташвишлари поёнсиз гўё.
Кимдир эрта кетар, кимдир кетар кеч,
Вафо қилмас бизга бу кўхна дунё...
Бир кун она тупроқ бағрига олар,
Галма-гал ҳаётдан кетамиз оқиб.
Ва лекин юракларда таскин улғаяр,
Яхши ном, эзгулик қоларкан боқий.
Дилфуза БҮРИБОЕВА

ХУШБҮЙ ЧЕЧАКЛАР ҲАМ
ГҲЁ КЕЛИНЧАК

БАҲОР ҲАВОСИ

Мусаффо тунларда само зийнати,
Бепойн адиғга сочди нурларин.
Табиат сочиб гул, яшнаб даралар
Ўрқач тоғларга ҳам тикди кўзларин.
Тонг шафақидан тун очиб чирой
Социлган маржондан қолмади асар.
Хушбўй чечаклар ҳам гўё келинчақ
Кўёш нигоҳига юзларин очар.

Мусаффо тунларда саноқсиз юлдуз,
Ҳаваскор шоиринг олар ҳаёлин.
Сокин тун бағрига борин бахш этар,
Кўз-кўз этганда ой ўзин жамолин.

Узоқ-узоқларда қушлар сайроғи,
«Курей»лаб ёқимтой турна галаси
Беғубор қалбларга ҳузур бахш этар,
Дилларни қувнатар баҳор ҳавоси.
Ўлмас ҲАСАНБҲОЙ

Табиат уйғонмоқда. Кўклар нафаси уфурмоқда. Тозаланган ариқ-зовурларда яна зилол сувлар шилдираб оқа бошлади.

Куни кеча дала ҳовлига кета туриб, Исмоил миробни учратиш қолдим. У нимадандир хунуб эди...

— Ҳа тинчликми, жиғибийрон бўлиб турибсиз, — дея сўрадим қилша туриб.

— Тинчликка — тинчлик, шур... Лекин, буни қаранг, — деди у маҳалладан ўтган ариққа ишора қилиб. Ариқ чопилса, сув тоза бўлади-да... Қўл учидида иш ҳам ишми?... Ҳатто чопиш у ёқда турсин, ариқ ичидидаги чиқиндиларни ҳам олиб ташлашмаган. Мана буни қаранг — булар сувга аралашиб кетади-ку...



СУВ —
МЎЪЖИЗА,
СУВ —
МУҚАДДАС

ОТАНГ МИРОБ БЎЛСА ҲАМ АВАЛ АРИҚНИ ТОЗАЛАБ, КЕЙИН СУВ ИЧ

Мироб отанинг қўноқчилиги қишлоғимиздаги Тўлаган қийқ деган миробни эслатди. У доим елкада кетмони, қўлида учлик паншаҳаси билан ариқ ёқалаб юрарди. Ариқ лабиди бирор қарб кўрса, кетмони билан қариб оларди. Бирор киши унинг руҳсатисиз суви очмас-

ди. Оқава сув қўлоб бўлиб ётганини кўрса, пайкал сувчиси ба-лога қоларди.

Ер — ҳазина, сув — олтин. Кўёш — замин отаси бўлса, сув — наси. Халқимизда сувга қараб тупурма, сувга қарёб супурма, деган нақл бекорга мавжуд эмас. Минг афсусли, ҳали

ҳам кўпчилик бу бебаҳо неъматнинг қадрига етмапти.

Ҳамма нарсани борида қадрла, деган ҳикмат бежизга айтилмаган. Ариқларни тозалаш, суви асраш, тоза тутиш — бу энг аввало савоб, қолаверса, маданият ҳам ҳисобланади.

Юнус ЗИЁДОВ

БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН ЎЙИНЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионати олий лигасида бу йилдан бошлаб ўн олтинчи жамоа иштирок этмоқда. Жамоалар янги мавсумнинг иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар.

Турнинг марказий баҳсларидан бири сифатида эътироф этилган ўйинда «Нефчи» футболчилари ўз майдонидида «Андижон» жамоасини қабул қилди. Бир йиллик танлафусдан сўнг, яна кучлилар қаторига қўшилган андижонликлар мавсумнинг ilk учрашувидида Бекобдиннинг «Металлург» жамоаси билан дуранг (0:0) ўйнаганди. Умид Исоқов, Шерзод Раимжонов, Баҳром Хайдаров сингари «Нефчи»нинг собиқ ўйинчилари эвазига ўз таркибини тўлдирган «Андижон»

жамоаси бу гал Фарғонадан қуруқ қайтди. Анвар Бердиев, Носир Отақўзиевлар томонидан киритилган тўплар «Нефчи»нинг навбатдаги ғалабасини таъминлади — 2:0.

Кутилмаган натижа «Самарқанд-Д» — «Насф» жамоалари учрашувидида қайд этилди. Меҳмонлар қаршилиқлар дарвозасига жавобсиз икки тўп йўлаб, муҳим уч очкони қўлга киритди — 2:0.

Олий лига дебютанти Урганчнинг «Хоразм» жамоаси дастлабки учрашувда ўз майдонидида «Бухоро» футболчиларига имкониятни бой берганди — 1:3. Хоразмликлар иккинчи турда ҳам мағлубият аламини торттишди. Муборақда «Машъал» жамоасига қарши тўп сурган «Хоразм» футболчилари бу гал ўз дарво-

залари тўридан икки тўп олиб чиқди — 2:0. Тўпларни Зафар Холмуродов ҳамда Виктор Клишин киритди. Мазкур ўйин муборақликлар учун Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги учрашувлари олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади. «Машъал» жамоаси 22 март куни Қаршида Бирлашган Араб амирликларининг «Ал-Айн» футболчилари билан куч синашди.

Иккинчи турнинг қолган учрашувлари қуйидагича аяунланди: «Тўлқин» — «Локомотив» — 2:2, «Трактор» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Металлург» — «Пахтакор» — 0:1, «Шўртан» — «Бухоро» — 1:0, «Навбахор» — «Қизилқум» — 1:1. Учинчи тур ўйинлари 26-27 март кунлари бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОВО

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

халқимизни, тадбиркорлар ва ишбилармонларни яшариш, янгиланиш, меҳр-оқибат, дўстлик, ҳамжиҳатлик байрами ҳисобланмиш

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборақбод этади.

Тинчлик-хотиржамлик, бахт-саолат, сиҳат-саломатлик барчамизга доимо ёр бўлсин. Халқимизнинг азалий қадриятларига мос бўлган меҳр-мурувват ва оқибат ҳеч биримизни тарқ этмасин.

Азиз юртдошлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Мулкдорга ҳамкор бўлган Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази Сизларни мунтазам ўтказилаётган биржа савдоларига таклиф этади.

Битимларнинг тезкорлиги, ишончлилиги, конфеденциаллиги кафолатланади.

БИРЖА САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй.
Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51. Факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; e-mail: birja@mail.tps.uz, info@tshmbm.uz

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРҲОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилояти, Қувасой шаҳрида сув таъминотини кенгайтириш — II қўтариласи насоси қурилиши» «калит»га шарти билан.
2. «Охунбобоев туманидаги «Фарғона тозалаш иншоотини (1-босқич) капитал таъмирлаш.
3. «Қўқон шаҳридаги 31-маҳалла оқава тармоғини (0,85 км.) қуриш» «калит»га шарти билан.
4. «Ўзбекистон тумани, Малихон ва Янги ҳаёт қишлоқларига келтирувчи газ қувури қурилиши» «калит»га шарти билан.

Қурилиш муддати — 30.08.2006 й.

Қурилиш муддати — 30.08.2006 й.

Қурилиш муддати — 01.08.2006 й.

Қурилиш муддати — (1-босқич) август 2006 й.

Манзил: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-24-33, 224-75-43.

Умумий қурилиш ишлари марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдориди ай-

Газетанинг навбатдаги сони 23 март, пайшанба куни чиқади

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Norboho SHAKAROV
Nomoza SA'DULLAYEV
To'lepbeggen
QAIPBERGENOV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani
MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va
xalqaro hayot
133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va
iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Ekologiya va
salomatlik
133-44-55
Axborot, sport va
harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatar va
ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80

VILOYAT
MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT,
MATEBUTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Erkin XOLBOYEV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida terildi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:

Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi
boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonasi manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston
Matbuoti va axborot agentligida
008-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshanba, payshanba
va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan
amalgashiriladi.

r — 550

14419 nusxada bosildi

t — Tuzatma matniga

O'za yakuni —

Toshirish vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda